O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
Majburiy bepul nusxa

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 12 октябрь, № 197 (5112) Сешанба

*Халқаро пахта бозорининг асосий иштирокчиларидан бири ҳисобланмиш Ўзбекистон дунё пахта ва тўқимачилик саноати мутахассисларини яна Тошкентда жамламоқда: пойтахтимизда жорий йилнинг 13-14 октябрь кунлари VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтади.*

## ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ШУҲРАТИ ДУНЁ КЕЗМОҚДА

Президентимиз ташаббуси билан илк бор 2005 йилда ташкил этилиб, анъанавий тус олган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси, таъбир жоиз бўлса, ўтган қисқа даврда ўзбек пахтасининг жаҳоний бозорига айланди. Мазкур нуфузли тадбирда ҳар йили дунёнинг кўплаб давлатларидан юзлаб соҳа мутахассислари ва пахта олди-сотдиси билан шуғулланувчи компаниялар вакиллари иштирок этаётгани, улар томонидан катта ҳажмда ўзбек толаси хариди бўйича шартномалар имзоланаётгани ва кўп йиллик келишувларга эришилаётгани шундай дейишимизга тўла асос бўла олади.

Аслида, дунёда пахтачилик билан шуғулланувчи мамлакатлар кўп. Ўзбекистон эса уларнинг орасида энг шимолий минтақада жойлашган. Шундай бўлса-да, мамлакатимиз "оқ олтин" етиштириш ва экспорт қилиш бўйича жаҳонда пешқадамлар сафида туради. Рақобат тобора кескинлашиб бораётган бугунги шароитда толамизга талаб юқорилиги, айниқса, қувонарлидир. Табиийки, бунда республикамизда Президент Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги остида пахтачилик тармоғини янада ривожлантириш мақсадида тизимли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, хусусан, саноатбоп тола берадиган ғўза навлари парваришланаётгани, қайта ишлаш жараёни такомиллаштирилаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир.

Айни кунларда VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иштирокчиларини пахтачилик соҳасида мустақиллик йилларида қўлга киритилган шу каби ютуқлар, тизимдаги янгиланишлар билан яқиндан таништириш мақсадида, яна бир бор эслатиб ўтамиз, мазкур тадбирга тайёргарлик ишлари якунига етказилаяпти. Жумладан, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналари дунёнинг етакчи енгил саноат ва тўқимачилик компаниялари мутахассислари, олим ҳамда экспертларни пахта хом ашёсини қайта ишлаш жараёни билан таништиришга шай турибди.

Янгийўл туманидаги "Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги" пахта тозалаш корхонаси — шулардан бири. Ярмарка иштирокчилари тадбир доирасида мазкур корхонада бўлиб, унинг иш фаолияти билан яқиндан танишадилар.

— Корхонамизда кунига 50 тонна пахтани тозалаш имконияти бор, — дейди унинг раҳбари Карим Қозоқбоев. — Хусусан, жорий йилда туманимиздаги 175 та фермер хўжалигидан 15 минг 700 тонна хом ашёни қабул қиламиз. Уни пешма-пеш, сифатли қайта ишлаш мақсадида мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Жумладан, тайёрлов пунктлари капитал таъмирланган бўлса, пахта қабул қилиш майдонлари, тарозихона, лаборатория ва транспорт воситалари ҳам тўлиқ қўлдан чиқарилди.

Гап шундаки, жаҳон бозорида ўзбек толасига эҳтиёжнинг ортиши юртимизда фаолият кўрсатаётган пахтани қайта ишлаш корхоналари зиммасидаги масъулиятни тобора оширмоқда. Шу боис уюшма тизимидаги корхоналар технологик жиҳатдан янгиланиб, ишлаб чиқаришда замонавий ускуна ва дастгоҳлар қўлланилмоқда. Натижада сарф-харажат камайиб, иш самарадорлиги ортаяпти. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги "2007 — 2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга кўра, шу даврда 41 пахта тозалаш корхонаси модернизация қилиниши кўзда тутилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ҳозирги кунда эса "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги барча корхоналарда 2010 йил пахта ҳосили қайта ишланиб, сифат даражаси юқори бўлган, яъни "олий" ва "яхши" синфларига мансуб тола олинмоқда. Бу тола намуналари "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази билан ҳамкорликда VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида намойишга қўйилади.

VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг аҳамияти шундаки, асосий мақсад толамиз экспорти ҳажмини ошириш, чет эллик ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, айни пайтда соҳадаги ўзгариш ва янгиликлар юзасидан фикр алмашиш учун муносиб шароит яратишга қаратилган. Бу, ишонамизки, кутилганидан зиёд ўз самарасини беради.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ЮРАГИДА ДАРЁ МАВЖИ БОР

***Айтишларича, Патилахон Эргашева бугун ўзи бошлиқ бўлган фермер хўжалиги даласида дунёга келган экан. Энг яқин дугонаси Чўлпоной опанинг таъкидлашича, у она қорнидан туғилибоқ кўзини шундоқ пайкал бошида очганмиш. Балки бу гапларда бир оз бувайдача бўрттириш бордир. Нима бўлганда ҳам, таниқли қизиқчи Муҳиддин Дарвешов шу заминнинг фарзанди-да. Лекин Патилахон опанинг бобоси Асрорқул ота қачонлардир шу ерни омоч билан очганлиги, шўрни қочириш учун ҳашар уюштириб, зовур қазганлиги айни ҳақиқат.***

**Замондош билан юзма-юз**

Кейинчалик Асрорқул ота жамоа хўжалигида мироб, сўнгра ҳосилот бўлиб ишлади. Унинг қўлидан ернинг жиловини ўғли Ғофуржон олди. Ғофуржон ота ҳам салкам 30 йил бригадирлик қилди, жамоа хўжалигини бошқарди.

Фермер хўжалиги ҳудудини Шўртепа деб аташади. Тўғри, ҳозир кўпчиб ётган шўр ерга кўзингиз тушмайди. Бироқ дала четлари, ариқ бўйларидаги шўртупроқ бу замин деҳқон меҳри, заҳматли меҳнати билан ҳосил берадиган майдонга айланганининг яққол далолатидир. Гап шундаки, бугунги кунда ҳам қишда ерга камида икки маротаба яхоб суви берилмаса, шўр майдон юзасини қоплаб олади. Патилахон опа ана шу агротехника тадбирини ўз вақтида, сифатли ўтказаётгани туфайли йилига пахтадан 40-45, ғалладан эса 60-65 центнердан ҳосил етиштирмоқда.

Патилахон опа ҳам бригадирликни отасидан қабул қилиб олиб, шу вазифада роса чорак аср ишлади. Унинг сўзларига қараганда, жамоа хўжалигида қозон ҳам, даромаду буромад ҳам бир бўлганлиги учун, бригадада ўртача пахта ҳосилдорлиги 18-20 центнердан ошмаган. 2005 йилда "Патилахон" фермер хўжалиги ташкил этилгач, кўрсаткичлар йилдан-йилга ўзгариб борди. Экин майдони эса 45 гектардан 69 гектарга кўпайди. Шундан 18 гектари қўриқни ўзлаштириш, зовур атрофидаги ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш натижасида қўшилган майдон ҳисобланади.

Сўнгги 3 йилда фермер хўжалиги аъзолари давлатга 346 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб берди. Бухгалтер Муҳаббатхон Салимованинг ҳисоб-китобича, кейинги 3 йил ичида ғаллачиликдан олинган 285 тонна донни ҳам ҳисоблаганда, фермер хўжалиги жами 74,2 миллион сўм соф фойда кўришга эришибди.

Фермер хўжалигининг даромадидан нафақат унинг аъзолари, балки бутун қишлоқ аҳли баҳраманд бўлаяпти, десак, муболаға бўлмайди. Мисол учун, сўнгги 3 йил ичида хайрия мақсадларига салкам 7 миллион сўм сарфланди. Кам таъминланган оилаларга 121 тонна ғалла тарқатилди. Шу боис Ҳувайдохон Сафарова фермер хўжалиги далаларида меҳнат қилиб, 7 фарзандини камолга етказаётганлигини мамнуният билан сўзласа, Розияхон Юнусова, Муножот Тиркашева сингари кам таъминланганлар оиласига фермер хўжалиги томонидан доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб турилганини айтади. Шу йил баҳорда 3 хонали янги уйга кўчиб ўтган Хайринисо Тошматованинг оғзидан эса бол томади. Сабаби, қуёшга қараган, олдида айвони бор, барча қулайликларга эга замонавий уйни Патилахон опанинг маблағи ҳисобидан шўртепаликлар ҳашар йўли билан қуриб беришди-да.

(Давоми 2-бетда).

Маданият, санъат ва мода йўналишидаги "Art Week Style.uz — 2010" ҳафталиги "TashkentALE" бешинчи халқаро Тошкент фотобиенналеси билан бошланди.

## ИЖОД ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ

Мазкур йирик лойиҳалар "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган очилиш маросимида таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда навқирон авлод вакилларининг юксак маънавий фазилатлар соҳиби бўлиб камолга етиши йўлида эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, беш йилдирки, маданият ва санъат намояндаларининг йирик анжумани сифатида тилга тушган "Art Week Style.uz — 2010" ҳафталиги миллий қадриятларимизнинг бетакрор намуналарини жаҳон миқёсида намоён этиш, истеъдодли ёшларни кашф қилиш ҳамда юртимиз ижодкорларининг халқаро тажриба ва янгиликлар билан яқиндан танишишларини таъминлашга хизмат қилаётир. Эътиборлиси, бугун жаҳондаги энг етакчи ахборот агент-

(Давоми 2-бетда).

## ШВЕЙЦАРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Швейцария Конфедерацияси Федерал йиғини Кантонлар кенгашининг ташқи сиёсат масалалари бўйича комиссия раиси Эжен Давид раҳбарлигидаги делегация 11 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.***

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

Швейцария делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан ҳам музокара ўтказди.

— Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги қудратли мамлакатлардан, — деди Эжен Давид. — Олий Мажлисдаги мулоқотлар парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва икки томонлама дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам бўлиб, икки томонлама ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**(ЎзА).**

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Халқаро театр фестивали якунланди

**Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Ёшлар театрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Theatre.UZ/2010" биринчи халқаро театр фестивали якунланди.**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар, маданият ва санъат намояндалари, театр санъати ихлосмандлари, талаба-ёшлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

(Давоми 3-бетда).

### Замонавий технология асосида

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Элликқалъа туманидаги "Бўстонматлуботсавдо" шўъба корхонаси қошида қандолатчилик маҳсулотлари тайёрланадиган янги технологик линия ишга туширилди.**

Корхонанинг 10 кишилик жамоаси ички бозорга дастлабки 15 миллион сўмлик 5 турдаги ширинлик маҳсулотларини етказиб бердилар. Қандолатчилар йил охиригача маҳсулот турини 15 тага етказишга аҳд қилишган.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Конвейерда янги маҳсулот

**НАМАНГАН. Поп туманидаги "Ўзрубероид" масъулияти чекланган жамиятида рубероиднинг янги тури ҳамда базальт толасидан тўшамалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.**

Қурилишда кенг қўлланиладиган ушбу маҳсулотлар шу пайтгача мамлакатимизга, асосан, четдан келтирилар эди.

Янги турдаги қурилиш ашёлари тайёрланиши ҳисобига бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 43 фоизга ортди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БИЛИМЛИ ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

### мамлакатимиз тараққиёти, она-юртимизнинг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этади

***Муҳтарам Президентимизнинг Ёшларга оид давлат сиёсати, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида мамлакатимизнинг нуфузли билим даргоҳларидан бири — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятини модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этиш бўйича бир қатор самарали изланишлар йўлга қўйилган.***

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

— Таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизими баркамол авлод тарбиясининг асосий негизи ҳисобланади, — дейди институт ректори, техника фанлари доктори, профессор Қадам Жуманиязов. — Шунинг учун ҳам институтимизда олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик механизмлари самарадорлигини ошириш бўйича тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Шу ўринда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва институтимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда унинг малакали етук кадрлар тайёрлашдаги қувончли самараларини алоҳида таъкидлашни истардим. Хусусан, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси билан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, пахта саноати йўналиши бўйича таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини самарали йўлга қўйиш, уюшма тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш бўйича 2008 — 2012 йилларга мўлжалланган икки томонлама ҳамкорлик шартномаси имзолаганмиз. Унга кўра, ўқув жараёнларимизга тажрибали профессор-ўқитувчилар билан биргаликда уюшманинг юқори малакали мутахассислари ҳам жалб қилинган. Ушбу ҳамкорликдаги меҳнат, илмий, ижодий изланишлар натижасида дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари ва бошқа зарур адабиётлар чоп этилмоқда.

Уюшма томонидан соҳа бўйича тегишли кафедраларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, ўқув биноларини таъмирлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Масалан, бундан икки йил муқаддам уюшма ҳомийлигида "Пахтани дастлабки ишлаш" кафедрасининг ўқув биноси фойеси ва ўқув хоналари мукаммал таъмирдан чиқарилган эди. Ўтган йили эса 3-талабалар туражойи, дам олиш хоналари, ахборот-ресурс маркази ҳамда маънавият хоналари таъмирлаб берилди.

(Давоми 2-бетда).

# МАҚСАД – ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛИ

***Яқинда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат вояга етмаганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ёмон иллатлар таъсирига тушмаслигини таъминлашга, ҳар тарафлама баркамол авлодни тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.***

Вояга етмаганлар манфаатларини муҳофаза этиш масаласи болаларнинг ёши билан боғлиқ бўлиб, улар бу ёшда ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла-тўкис амалга оширишга, ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситаларини қўллашга қодир бўлмайдилар. Шу боисдан “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланади”, деб қайд этилган.

Бундай қонуний кафолат мамлакатимизда болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда улар ўртасида ҳуқуқбузарликка қарши кураш бўйича ишларни кучайтириш, ота-оналар ва васийлик органларининг ёш авлод учун масъулиятини ошириш соҳасида бажарилаётган чора-тадбирлари самарадорлигини юксалтириш ва пировардида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик кўпайишининг олдини олиш имконини бермоқда. Ўтган йили болалар жиноятчилиги 2000 йилдагига қараганда 21,9 фоизга, жиноят содир қилишда қатнашган вояга етмаганлар сони 11,9 фоизга камайганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди.

Айни чоғда нотинч оилалар ва тарбияси оғир ўсмирларни аниқлаш, ўсмирларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда бандлигини ташкил этиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилмоқда. Сўнгги уч йилда минг нафардан ортиқ ота-она болаларни тарбиялашдаги мажбуриятларини бажаришдан бош тортгани учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиши оқибатида боланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналарнинг эса муомала лаёқати чекланди.

Бундай саъй-ҳаракатларга қарамай, болалар ўртасида безорилик, уларнинг таълим муассасаларини ташлаб кетиши, ножўя ҳаракатлар содир этиши ҳоллари учраб турибди. Бу, ўз навбатида, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари ҳукуматнинг айрим қарорлари, соҳа вазирликлари ҳамда идораларининг ҳужжатлари билан тартибга солиб келинаётганлигини кўрсатди. Мазкур ҳол ушбу масалаларни ҳал этиши керак бўлган тегишли органларнинг саъй-ҳаракатларини тўла мувофиқлаштириш зарурлигини кун тартибига қўяётгани ҳам сир эмас.

### Қонун кучга кирди

Маълумки, халқаро амалиётда бундай ҳолларда ягона қонун ҳужжати билан тартибга солиш мавжуд. Шундан келиб чиқиб, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилди. Унга биноан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси билан шуғулланадиган органлар, муассасалар, уларнинг асосий ваколатлари, вазифалари, фаолиятининг йўналишлари аниқ белгилаб қўйилди. Айни пайтда вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштиришнинг ҳуқуқий тартиби ва асослари яратилди.

Шу билан бирга, Қонунда ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар зиммасига муайян вазифалар юклатилди. Эндиликда уларнинг назоратисиз вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ёки тунги вақтларда ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларида бўлишига йўл қўйилмайди. Айни чоғда ота-оналар болаларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши, чекиши, уларнинг ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўрадилар.

Халқимизда “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган ибора бор. Шунинг учун ҳам Қонунда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлашга доир нормалар акс эттирилди. Жумладан, Қонуннинг 19-моддасига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ваколати доирасида вояга етмаганлар маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида қатнашади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмак беради. Ижтимоий жиҳатдан хавфли ҳисобланган вояга етмаганларга ва оилаларга ёрдам кўрсатади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашади.

Хуллас, мазкур Қонун вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг бу борадаги масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилади. Айни чоғда у болаларнинг ўзига хос хулқ-атворини эрта аниқлаш ҳамда бунинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини яхшилаш имконини беради. Зеро, бу саъй-ҳаракатлар бола жиноят кўчасига киргач эмас, балки ундаги бу омилни олдинроқ бартараф этишни таъминлайди.

**Икром ҚОРАТОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.**

# ЮРАГИДА ДАРЁ МАВЖИ БОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Опанинг фарзандлари ва невaралари 16-умумтаълим мактабида билим олишади. Фермер хўжалиги маблағи ҳисобидан 10 миллион сўм ажратилгач, ўқув даргоҳи биноси тўлиқ таъмирланиб, янгича қиёфа касб этди.

Унинг хайрли ишларидан яна бири — “Қишлоқда тадбиркорлик билан шуғулланаман”, деган ёшларга ҳамиша қўлидан келганча ёрдам кўрсатиш. Мисол учун, қишлоқ қизларининг илтимоси инобатга олиниб, чеварчилик цехи ташкил қилинди. Бугун бу ерда 18 нафар қиз болалар кийимбошлари, ишчи коржомалари тикишаяпти.

Бувайдада “Патилахон” фермер хўжалигини “оилавий пудратчилар жамоаси”, деб ҳам тилга олишади. Нега деганда, ўғли Хайрилло иш бошқарувчи бўлса, унинг укалари Орифжон ва Қосимжон, қизи Дилфуза, келинлари Сарвиноз, Шаҳнозахон, набираси Зуҳрахон ва Ҳасанбойлар шу ерда меҳнат қилишади. Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун опага “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилганини эшитиб, уни илк бор табриклаганлар мана шу жигарбандлари, ҳамқишлоқлари бўлди. Уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

**Раҳимахон ҚЎРҒОНОВА, Бувайда педагогика коллежи директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси:**

— Мен бугун ҳеч муболағасиз айтаманки, Патилахон опа тимсолида Мустақиллигимиз ҳалол, чинакам меҳнаткаш аёл орзуларини рўёбга чиқарди. Қачон опани йўқлаб бормай, доимо далада бўлади. Бирор марта ҳам дала шийпонида дам олиб ўтирганини кўрганим йўқ. Устига ялтироқ кийим-бош кийганини ҳам эслай олмайман. Бир қарасангиз, эгат орасида юрганини кўрасиз, яна бир гал трактор изидан кетаётган пайтда учратасиз. Ҳақиқатан ҳам, юртимизда ҳақиқий меҳнат қилган одам қадр топаяпти.

**Эргашой ТУРСУНОВА, “Қўнғирот” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:**

— Бизнинг ҳудудимизда туманимиз аҳолисининг учдан бир қисми, яъни 38 минг киши истиқомат қилади. Уларнинг бари Патилахон опани нафақат талабчан, деҳқончилик сирларини яхши биладиган фермер хўжалиги раҳбари, балки жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этадиган куюнчак, жонсарак аёллардан бири сифатида билади.

Бувайдаликлар “Унинг юрагида дарё мавжи бор”, дейишади. Патилахон Эргашеванинг ҳаёт йўли билан танишган киши бунга ишонч ҳосил қилади. Опанинг “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими” фахрий унвони, “Меҳнат шуҳрати” ордени ёнига “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган юксак ва шарафли унвон қўшилган экан, бу, аслида, оддий деҳқон қизи, заминни яшнатувчи сулола давомчисининг узоқ йиллик меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Буни юртимизда инсоннинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳуқуқларини таъминлаш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, сиёсий институтлар ташкил этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.***

# СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

## инсон манфаатларига хизмат қилади

Аввало, бу борада жиноятлар таснифи тўлиқ ўзгартирилганлигини айтиш зарур. Унга кўра, оғир жиноятлар тоифасига киритилган жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилди. Айни чоғда судларни жиноий, хўжалик, фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштириш амалга оширилиб, суд ишларини аппелация ва кассация тартибида кўриб чиқиш ҳамда ярашув институти жорий этилди. 2008 йил январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши эса жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ҳозирда ушбу ислоҳотларнинг давоми сифатида прокурор ва адвокат ҳуқуқлари тенглигини ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган “Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари” мавзуидаги илмий-амалий семинарда шулар хусусида сўз борди. Унда мамлакатимизда суд ишини юритишнинг ҳар қандай

### Тадбир

босқичида фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлайдиган адвокатура институтини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар юқори баҳоланди.

Мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Яъни ушбу ҳужжат асосида адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда адвокатлар мустақиллиги кафолатларини кучайтириш бўйича муайян ишлар бажарилмоқда. Одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш, суд фаолиятига аралашиш ва ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик мақсадида Олий суд ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизимининг мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича Тадқиқот маркази ташкил этилгани бунинг мисолидир. Қолаверса, соҳа ислоҳотларининг таркибий қисми сифатида узлуксиз таълим тизими жорий этилганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур.

Шунингдек, Президентимизнинг жорий йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги Фармони ва шу асосда ишлаб чиқилган “Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқдаки, бу соҳа ислоҳотлари самарадорлигини янада ошириш имконини бермоқда. Қисқаси, бундай ислоҳотлар туфайли суд ҳокимияти мустақиллиги ва эркинлиги мустаҳкамланиб, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ таъминлаб келинмоқда.

Тадбирда суд-ҳуқуқ тизими билан боғлиқ бошқа масалалар хусусида ҳам мулоҳазалар билдирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

# ИЖОД ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ликлари, матбуот нашрлари, телевидение ва радио тармоғи, интернет сайтларида ушбу санъат ҳафталиги ҳамда унинг доирасида ўтказилаётган тадбирлар мазмун-моҳиятини акс эттирган маълумотлар кенг ёритилмоқда. Шунинг ўзиёқ “Art Week Style.uz” санъат ҳафталигининг нуфузи ва кўлами йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолатдир.

Бу галги тадбирда Буюк Британия, Франция, Япония, Испания, Италия, Россия, Швейцария каби давлатлардан мода санъатининг ёш ва таниқли вакиллари, машҳур мода брендлари, йирик халқаро компаниялар ва шоу-бизнес намояндалари иштирок этмоқда. Худди шунингдек, бешинчи халқаро Тошкент фотобиенналесига ҳам юртимиз фотосанъат усталари билан бир қаторда АҚШ, Аргентина, Франция, Италия, Швеция, Венгрия, Россия, Украина, Эрон, Бангладеш сингари мамлакатлар вакилларининг икки мингдан зиёд ижод намуналари тақдим этилган. Уларнинг аксарияти пойтахтимиздаги кўргазма залларидан ташқари, Самарқанд шаҳри музейлари ва санъат галереяларида намойиш этилмоқда.

— Касбим тақозосига кўра, халқаро тадбирларда кўп бор иштирок этишимга тўғри келади, — дейди фотожурналист Тани Давиньо (АҚШ). — Юртингизга аввал ҳам келганман. Ўзбекистон илк ташрифимдаёқ мени ўзига мафтун этган. Шундан сўнг бу гўзал юртни акс эттирган сурат-лавҳаларим билан матбуотда кўп бор чиқишлар қилдим. Бой тарихи, бетакрор табиати ва оқкўнгил халқи билан унутилмас таассуротлар қолдирган бу диёрга яна бир бор келиш насиб этганидан бениҳоя бахтиёрман. Яна шундан хурсандманки, халқаро фотобиеннале санъат ва мода ҳафталиги доирасида ташкил этилганлиги биз учун айни муддаодир. Чунки ушбу тадбир баҳона биз, фотосанъаткорлар ўзбек халқининг маданияти, анъана ва урф-одатлари билан янада яқиндан танишишга муваффақ бўлмоқдамиз.

— Тошкентда бўлиб ўтаётган “Art Week Style.uz — 2010” ҳафталигининг “Underground” лойиҳасида ижодий ишларимни намойиш этдим, — дейди япониялик ёш дизайнер Наоши Саваянаги. — Ушбу нуфузли кўргазмада қатнашиш биз каби ёшлар учун ўзига хос тажриба майдони, маҳорат сабоғи ҳамдир. Негаки, дизайн, фото ва амалий санъат йўналишидаги турли кўргазма ва тақдимотларда иштирок этиб, янгича услуб ҳамда ғоялар билан танишиш, ижодий дунёқарашимизни бойитиш имконига эга бўлмоқдамиз.

Дарҳақиқат, санъат ҳафталиги ўзининг ранг-баранглиги, ёрқин намойишлар ва ёдда қоларли бадиий чиқишларга бойлиги билан ижод аҳлининг эътиборини тортмоқда. Масалан, мода ва дизайн йўналишидаги тадбирлар доирасида либос дизайни ҳамда амалий санъат кўргазмалари, фэйшн саноатида танилган етакчи мутахассисларнинг маҳорат дарслари, фестиваль ва танловлар, шунингдек, илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши кўзда тутилган бўлиб, бу ижод аҳлига илҳом бағишлаши, шубҳасиз. Мазкур тадбирлар Ёшлар ижод саройи, Миллий санъат маркази, Тошкент курантлари ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бўлиб ўтаяпти. Ҳафталик доирасида ўтказилаётган фотобиенналеда эса иштирокчилар ва санъат мухлислари замонавий фотосанъатнинг энг сўнгги янгиликларидан бохабар бўлиш имконига эгадирлар. Фотокўргазмалар Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Тошкент Фотосуратлар уйи, Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар зали, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ёшлар ижод саройи ва Халқаро маданият карвонсаройида ташкил этилмоқда.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Сармоя келтирган барака

**“Каттақўрғонсут” агрофирмасида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кредити асосида умумий қиймати 100 миллион сўмлик янги лойиҳа амалга оширилди.**

### Яхши хабар

Натижада бу ерда тайёрланаётган сут маҳсулотлари сифати тубдан яхшиланди. Қолаверса, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам қарийб тўрт баробарга ортди. Яъни йил бошидан буён ички бозорга 9 турдаги 401 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот етказиб берилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БИЛИМЛИ ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

## мамлакатимиз тараққиёти, она-юртимизнинг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Баркамол авлод йилида уюшма раҳбарлари яна бир ўзаро фойдали ҳамкорликка қўл уришди. Институтдаги пахтани қайта ишлаш кичик корхонаси тубдан реконструкция қилиниб, бу ерда замонавий техникалар билан жиҳозланган минизавод барпо этилди.

— Мазкур заводнинг ишга тушиши институтимиз, талабаларимиз ҳаётида катта воқеа бўлди, — дейди “Пахтани дастлабки ишлаш” кафедраси мудири, техника фанлари номзоди, доцент Илҳомжон Мадумаров. — Шу кунгача, асосан, турли схемалар, моделлардан фойдаланиб дарс ўтган бўлсак, энди талабаларимиз пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёнини бевосита кузатиш, пахтадан тола ва момиқ ажратиб олишда ўзлари ҳам қатнашиш имкониятига эга бўлдилар. Уюшма томонидан корхонанинг шундоқ ёнида илмий ва амалий ишларни олиб боришга мўлжалланган тажриба стенд қурилмаси ҳам бунёд этилди. Эндиликда амалий машғулотларимизни ҳамда мустақил таълимни шу ерда олиб бораяпмиз. Бемалол айтиш мумкинки, янгидан бунёд этилган минизавод ва мазкур қурилмалар пахтани қайта ишлаш саноатига юқори малакали, билимдон, зукко, изланувчан муҳандис кадрлар етказиб беришда катта аҳамият касб этади. Айни пайтда профессор-ўқитувчиларимиз, иқтидорли талабаларимизнинг илмий-ижодий изланишларида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Илҳомжон Мадумаров бизни минизавод билан танишишга таклиф этди. Ям-яшил майсалар, навниҳол арчалар, ранго-ранг гуллар кўрк ва таровaт бағишлаб турган институт ҳовлисининг шундоқ ёнбошида янги, ярқираган бино қад ростлаб турибди.

— Минизаводимиз шу бўлади, — дейди кафедра мудири. — Ишонасизми, уюшма раҳбар-мутахассисларининг саъй-ҳаракати билан мазкур корхона талабаларимизнинг ёзги таътил даврида — бир ярим ой ичида қурилиб, жиҳозланиб, тўлиқ битказилди. Бунда, айниқса, “Тошкентпахтасаноат” бирлашмаси, Янгийўл пахта тозалаш заводи, Қуйи Чирчиқ туманидаги монтаж корхонаси ишчи-хизматчилари, “Пахтасаноат” илмий маркази мутахассислари астойдил ишлашди. Институтимизни битириб кетган собиқ талабаларимиз, бугунги кунда республикамиз пахта саноатининг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган мутахассислар ҳам қараб туришмади. Қўлларидан келганича ёрдам кўрсатишди.

Бино ичкарисига кирамиз. Ҳали мойи артилмаган яп-янги ускуналар...

— Мана бу чигитли пахтани тозалаш машинаси, “УХК” дейилади, — улкан агрегатга ишора қилади ҳамроҳимиз. — Бу эса “4ДП130” — чигитли пахтадан тола ажратиш машинаси, сўл томонда эса “5ЛП” — момиқ ажратиш машинаси. Шу ерда толага айлантирилган пахта мана бу улкан қувурлар орқали юқорига — тайёр маҳсулотни шиббалаш ва тойлаш қурилмасига узатиб берилади.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Пахтани дастлабки ишлаш кафедраси профессор-ўқитувчилари, изланувчилари ва иқтидорли талабалари “Ўзпахтасаноат” уюшмаси корхоналари билан ҳамкорликда пахтани қайта ишлаш саноатига янги технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш бўйича ўз илмий тадқиқотлари, изланишлари билан ҳисса қўшиб келишмоқда. Кафедра олимлари “Андижонпахтасаноат” бирлашмаси билан ҳамкорликда “Пахта хом ашёсини шнекли тозалаш ва қуритиш мосламаси”ни ишлаб чиқишди. Мослама амалиётга жорий этилиши билан маҳсулот сифати икки фоизга ошиб, ёнилғи сарфи 4 баравар камайди. “Турон” пахта тозалаш корхонасига “Чигитли пахтани селекцион ва саноат навларини тозалаш самарадорлигини ошириш бўйича янги технологик жараёнлар” тавсия этилиб, бунинг натижасида маҳсулот сифати 2,3 фоиз ортишига эришилди. Айни пайтда “Ўзпахтасаноат” уюшмаси билан “Пахта тозалаш корхоналарида қисқартирилган технология асосида сифатли хом ашё олишни йўлга қўйиш” муаммолари ва бошқа бир қатор янгиликлар устида иш олиб борилмоқда.

Илмий ва амалий ишларни бажаришга мўлжалланган тажриба стенд қурилмаси жойлашган залга ўтамиз. Залнинг бир томонига пахтани тозалаш жараёнлари шундоққина кўриниб турадиган махсус кўргазмали қурилма жойлаштирилган. Қурилма қаршисида талабалар учун жойлар қилинган, минбар ўрнатилган. Компьютер ва электрон доскалар ҳам мавжуд бўлиб, дарс жараёнида пахтани ҳар хил ифлосликлардан тозалаш жараёнларини кузатиб ўтириш имконияти яратилган.

— Бугунгача пахтани қайта ишлашни турли макетлар, схемалар ёрдамида ўрганган бўлсак, эндиликда бу жараёнларни ўз кўзимиз билан кўриш, ўзимиз бажариш, турли илмий тажрибалар ўтказиш имкониятига ҳам эга бўлдик, — дейди пахтани қайта ишлаш кафедраси магистри Неъмат Турсунов.

— Институтимизда иқтидорли талаба ёшлар академияси фаолият кўрсатаяпти, — масалага ойдинлик киритади институт инновация ва интеграция маркази раҳбари, доцент Ҳамиджон Луқмонов. — Ҳозир 209 нафар талабамиз ана шу академияга аъзо. Жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтган III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида институтимизнинг 13 нафар талабаси ўзларининг 7 та тугалланган илмий ишланмаси билан илк маротаба қатнашдилар. Бундан ташқари, 8 нафар талабамиз Давлат гранти асосидаги инновация лойиҳаларида иштирок этаяпти.

Минизаводдан чиқаётганимизда шундоқ йўлакда талаба ёшлар билан гурунглашиб турган кишиларга кўзимиз тушди.

— Булар ҳомийларимиз — “Ўзпахтасаноат” уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари Маҳмуджон Бобожонов, “Пахтасаноат” илмий маркази бош директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Мирсолиҳ Агзамов, шу илмий марказ бўлим бошлиғи Собиржон Усмонов, — дея уларни бизга таништиради институт проректори, профессор Алишер Маматов.

— Ҳар йили илмий иш қилишга мойиллиги бор, беш-ўнта битирувчиларни илмий марказимизга ишга оламиз, — дейди Мирсолиҳ ака салом-аликдан сўнг. — Бугун ҳам ана шундай ёшларни таклиф этгани келдик.

— Янги линия қандай ишлаяпти, камчиликлар йўқми? — кафедра мудирини саволга тутади Маҳмуджон Бобожонов.

— Зўр ишлаяпти! Раҳмат сизларга, — дейди Илҳомжон.

— Институт жамоасига, талабаларга ҳар қанча хизмат қилсак оз, — деди бизга юзланаркан Маҳмуджон Бобожонов. — Боиси, мамлакатимиз пахта саноатининг эртанги ривожи, тараққиёти, кўп жиҳатдан, бугун институт аудиторияларида таҳсил олаётган талабаларга, уларнинг билими, малакаси, иқтидорига боғлиқ. Мазкур институт бизнинг корхоналаримизга кадр етказиб берувчи асосий билим даргоҳи ҳисобланади. Бугун тизимда тўрт мингдан зиёд олий маълумотли мутахассислар хизмат қилаётган бўлса, уларнинг қарийб 70-80 фоизи шу институтнинг собиқ талабаларидир.

Уюшма бошқаруви захира кадрлар бўлмиш талабаларнинг ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилашга, профессор-ўқитувчилар ҳамда иқтидорли талабаларни илмий-ижодий ишларга рағбатлантиришга, ҳар томонлама уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор билан ёндашади Хусусан, шу йилнинг ўзида институтни тамомлаган 100 дан зиёд талабалар турли корхоналарга ишга қабул қилинди. Яна 60 нафардан зиёд талаба уюшманинг вилоятлардаги корхоналарида амалиёт курсларини ўташаяпти. Қувонарлиси, уларга барча шарт-шароит яратиб берилган. Айни пайтда “Баркамол авлод йили” Давлат дастурига кўра, пахта тозалаш корхоналарида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг талаба фарзандларидан 30 нафарининг контракт тўлов пуллари тўлаб берилмоқда.

— Институтимиз профессор-ўқитувчилари, иқтидорли талабаларининг “Ўзпахтасаноат”, “Ўзбекчармпойабзали” уюшмалари, “Пахтасаноат” илмий маркази, “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси ҳамда “Ўзпахтамаш” очиқ акциядорлик жамияти билан ижодий ҳамкорлиги ўз самараларини бермоқда, — дейди Алишер Маматов. — Жорий йилнинг ўзида институтимизда битта докторлик, 8 та номзодлик диссертациялари ҳимояси бўлиб ўтди. Яна 3 та докторлик ва 4 та номзодлик диссертацияси дастлабки экспертизадан ўтди. Бу илмий ишлар орасида мамлакатимиз пахта ва тўқимачилик саноатлари тараққиёти билан боғлиқ илмий ишланмалар анчайин салмоқли.

— Истиқлол йилларида институтимиз ҳаётида, замонамизга муносиб, малакали кадрлар етиштириш соҳасида туб ўзгаришлар рўй берди, — дейди сўзида давом этаркан Алишер Зулунович. — Ҳар бир мутахассислик бўйича кафедраларнинг ўз ўқув-ишлаб чиқариш лабораториялари мавжуд бўлиб, бу лабораториялар Германия, Италия, Япония, Бельгия давлатларининг илғор фирмаларида ишлаб чиқарилган энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Мустақиллик йилларида институтимизда “Пахта — тайёр маҳсулот” мажмуаси тўла шакллантирилди. Бу — даладан териб келтирилган пахта билим даргоҳимиздаги минкорхоналарда қайта ишланиб, тозаланиб, йигирилиб, тўқилиб, бўялиб, тайёр матога айланади демакдир. Пировардида ушбу тайёр матолар энг сўнгги фасондаги кийим-кечаклар тусини олади ва ўз харидорини топади. Бу жараёнларнинг ҳаммаси талабалар қўлидан ўтади. Шу тариқа, уларнинг малака ва маҳоратлари ошиб, замонамизга муносиб, етук мутахассис бўлиб етишадилар.

Биз бу имконга улуғ Истиқлолимиз шарофати билан, муҳтарам Президентимизнинг малакали кадрлар тайёрлаш йўлидаги беқиёс эътибор ва ғамхўрликлари туфайли эришдик.

**Али ЗИЁДОВ.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Фаол фойдаланувчилар рўйхати

***“Financial Times” нашрида интернетдан энг фаол фойдаланувчи давлатлар рўйхати эълон қилинди.***



Кузатишлар давомида бу борада етакчи мамлакатлар сифатида Миср, Саудия Арабистони ва Хитой эътироф этилган. Мазкур давлатларда аҳолининг 55 фоизи бу тармоқ хизматидан мунтазам фойдаланаркан. АҚШда эса ушбу кўрсаткич 42 фоизни ташкил этади.

### Барча акцияларни сотиб олмоқчи

***Швециянинг “Electrolux” машинасозлик компанияси Мисрнинг маиший техникалар ишлаб чиқарувчи “Olympic Group for Financial Investments SAE” корхонасининг 52 фоиз акциясини сотиб олди.***



Манбага кўра, “Electrolux” келажакда мазкур муассасанинг 100 фоиз акциясига эгалик қилишни режалаштирмоқда. Компания бу мақсад учун 474 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлашга тайёр экан.

### Ҳайвонот ва наботот олами

***Папуа — Янги Гвинея мамлакатидан ҳайвонларнинг 200 та, ўсимликларнинг эса 9 та янги нави топилди.***



Бу ҳақда “Conservation International” халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти томонидан маълум қилинди. Мамлакатнинг тоғли ҳудудларидан аниқланган мазкур ҳайвонот ва наботот олами турларига ҳозиргача ҳеч қаерда дуч келинмаган.

### Фавқулодда ҳолат

***Шу йилнинг 30 сентябрь куни Эквадор пойтахтида жорий этилган фавқулодда ҳолат муддати узайтирилди.***



Ўшанда бу ерда давлат тўнтарилишига уринишлар бўлганидан сўнг мазкур тартиб йўлга қўйилганди. Изоҳланишича, ҳукумат шаҳар инфратузилмаси ҳамда маъмурий объектларни ҳимоя қилиш мақсадида шундай қарор қабул қилган. Ушбу тадбирларни олиб бориш мамлакат қуролли кучлари зиммасига юклатилган.

### Ақл билан юрадиган машина

***АҚШнинг “Google” компанияси сунъий ақл билан ҳаракатланадиган машина яратди.***




Қизиқ жиҳати, уни бошқаришда инсон омилидан фойдаланилмаса ҳам бўлади. Машина компьютер дастурлари билан жиҳозланган бўлиб, вазиятга қараб зарур функцияларни бажариб кетаверади. Шундай бўлсада, синов вақти автомобиль рулига одам ўтирган. Лекин машина ҳайдовчи ёрдамисиз 1,5 минг километрлик масофани бехато босиб ўтган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

“Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О. Ризаев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қилиш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашда турли ижодий лойиҳалар, кўрик-танловлар, фестиваллар, санъат анжуманларининг аҳамияти беқиёсдир.

Миллий театримизнинг ҳисса қўшиш, юртдошларимизни миллий ва жаҳон театри намуналаридан баҳраманд этиш, ижодкорларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши учун имкон яратиш, бугун театр соҳасида кечаётган жараёнларни атрофлича таҳлил қилишда алоҳида аҳамият касб этди.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон Ёшлар театрида Исроилнинг “Zero” театри билан ҳамкорликда Шалом Алейхимнинг “Сеҳрланган тикувчи”, грециялик театр ижодкорлари иштирокида Б. Мольернинг “Тартюф” ва бошқа асарлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. “Туркистон” саройида эса Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри жамоаси билан италиялик санъат усталари иштирокида гала-концерт намойиш этилди.

Шунингдек, фестиваль қатнашчилари Ўзбек Миллий академик драма театрининг “Аёлғу”, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрининг “Хонима хоним” каби спектакллари билан танишдилар. Фестиваль доирасида Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида бўлиб ўтган театр санъати декорациясига бағишланган бадиий кўргазма ўзбек театр рассомчилиги замон руҳига ҳамоҳанг ривожланиб бораётганини яна бир бор намойиш этди. Мусиқа, театр ижодкорлари иштирокидаги концертлар, ижодий учрашувлар, анжуманлар, кечалар фестивалга янада кўтаринкилик бағишлади.

— Итальян бастакорларининг асарлари Муяссар Раззоқова, Нормўмин Султонов, Саида Мамадалиева, Рамз Усмонов сингари ўзбек опера санъати юлдузлари иштирокида юксак маҳорат билан ижро этилди, — дейди Италиянинг Санта-Чечилия консерваторияси профессори, бастакор ва дирижёр Маурицио Чампи. — Концерт кўтаринки руҳда ўтди. Томошабинлар катта таассурот олганидан беҳад мамнунман. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда опера санъатига кўрсатилаётган эътиборнинг самарасидир.

— Ўзбекистон Ёшлар театри жамоаси билан ҳамкорликда “Тартюф” спектаклида иштирок этдим, — дейди Греция Миллий театри актёри Геннадий Пачис. — Мольернинг бу асари мураккаб пьеса. Лекин ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз уни юксак савияда ижро этди. Томошабинларнинг асар мазмунини теран англаши, юракдан ҳис этиши, чинакам санъат намунасини юқори баҳолай билиши эҳтиромга лойиқдир. Фестиваль тадбирларида томошабинларнинг турли ёш ва миллат вакилларидан экани кишини жуда қувонтиради. Бу эса юртингизда театр санъатининг халқ маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганидан далолатдир.

“Theatre.UZ/2010” биринчи халқаро театр фестивали санъат байрамининг барча қатнашчилари иштирокидаги театрлаштирилган концерт дастури билан якунланди.

юртимизда санъат, айниқса, миллий театрнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, томошабинларнинг маънавиятини юксалтириш, улар қалби ва онгида эзгу ғояларни мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилувчи бадиий етук асарларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борадаги ишлар жаҳон андозалари даражасидаги театр биноларини барпо қилиш, ижодкорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, янги парвозлар сари даъват этишда ёрқин намоён бўлмоқда.

Миллий театр санъатимизнинг нодир анъаналарини тиклаш, асраб-авайлаш, тарғиб ва ташвиқ ютуқ ва янгиликларини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, юртимиз ва хорижий театр жамоалари ўртасида самарали ижодий мулоқот ўрнатишга яқиндан кўмаклашиш, ушбу соҳадаги илғор ғоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Мазкур жамоат ташкилотининг турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликдаги “Theatre.UZ/2010” биринчи халқаро театр фестивали бу борадаги муваффақиятли лойиҳалардан биридир. 2 октябрдан 11 октябргача давом этган ушбу фестиваль юртимиз театр санъатини янада равнақ топтиришга

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Интилиш

***Учкўприк туманидаги “Ҳакимбой” фермер хўжалигида паррандачилик тармоғи йўлга қўйилди. Бу ерда маҳаллий иқлим шароитига мос, касалликларга чидамли ва сермаҳсул “ломанн” зотли товуқлар парваришланмоқда.***

### ПАРРАНДАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, хусусан, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик каби сердаромад соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Фарғона вилоятида ҳам мазкур йўналишда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар ва туманларда 50 дан зиёд паррандачилик тармоқлари ташкил этилди.

“Ҳакимбой” фермер хўжалигининг паррандачилик фермасида 20 мингдан зиёд зотдор парранда парваришланмоқда. Бу ерда 30 киши иш билан таъминланди. Келгусида паррандаларни янада кўпайтириш орқали тайёрланаётган парҳез гўшт ва тухум ҳажмини ошириш мўлжалланаётир.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА УСКУНАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТЛИ ТАЪМИНОТЧИСИ

ROAD INTERNATIONAL

**Жанубий Кореянинг «Road International Co., Ltd» компанияси қуйидаги қурилиш техникалари ва ускуналарини таклиф қилади:**



HYUNDAI компаниясида ишлаб чиқарилган:
- **экскаваторлар ва улар учун мосламалар;**
- **катта ҳажмли ва санчқи мосламали юкловчилар;**
- **самосваллар, ёқилғи ташувчи ва автокранлар;**
- **трейлерлар ҳамда совутқичли авторефрижераторлар;**
- **бетономиксерлар ва автобетононасослар**

ҲАМДА
муқим ва кўчма шаклдаги:
- **асфальт тайёрлаш заводи;**
- **бетон тайёрлаш заводи;**
- **тош майдалаш ва қум ишлаб чиқариш заводи** (100 - 600 т/соат).



**БУЮРТМА БЎЙИЧА ИШЛАЙМИЗ.**

Мижозларимиз учун молиявий масалаларда қулай шартларни таклиф қиламиз.

**Ваколатхона манзили:**
**Тошкент шаҳри, Миробод тумани,**
**Ойбек кўчаси, 14-уй, «Germilea» биноси.**
**Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти.**

**Тел./факс: (+99871) 140-10-91, 140-10-92.**
**Жавобгар шахс — Дилмурод Убайдуллаев.**
**Электрон почта: rico2008@mail.ru**
**Веб-манзил: www.rico21.com**

941Я/1154

## «ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР»

***Мурод Масалиев Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини тамомлаган. У эндиликда тадбиркорликни йўлга қўйиб, тенгдошларидан бир нечтасини иш билан таъминлаш ниятида.***

Семинар

— Коллежда олган билимларимизни амалиётга жорий этишнинг вақти келди, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бунинг учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Яъни турли ташкилот ва муассасалар ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турибди. Масалан, мен коллежни битиргач, “Микрокредитбанк”нинг ҳудудий филиалига мурожаат қилгандим. Банк мутахассислари қисқа фурсатда ариза ва бизнес-режамни ўрганиб чиқиб, имтиёзли шартлар асосида кредит ажратишди. Айни пайтда мазкур маблағни олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритдим. Эндиликда чорвачилик фермасини ташкил қилиш ниятидаман.

Тошкент вилояти ҳокимлигида “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки, вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси, хотин-қизлар қўмитасининг вилоят бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” номли тадбирда Мурод Масалиев сингари вилоят касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 150 нафарига бошланғич сармоя учун сертификатлар топширилди.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармони ижроси юзасидан уюштирилган ушбу тадбирда мамлакатимизда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Натижада республикамиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши тобора ортиб бораётир. Мазкур соҳа вакилларининг сафи ёшлар ва хотин-қизлар ҳисобига кенгайиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир. Жумладан, “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг Тошкент вилояти филиали томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида тадбиркор аёлларга 1,6 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида эса касб-ҳунар коллежларининг 969 нафар битирувчисига 1,7 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

УКРАИНА БИЗНЕС МАРКАЗИ
*барчани шартнома асосида*
**Украинада олий маълумот**
*олишга таклиф этади!*

Таълимнинг Европа стандартлари! Ўқишга қабул қилиш — суҳбат асосида!
*Ўқиш шакли — кундузги, сиртқи ва масофавий.*
*Барча қулайликларга эга бўлган ётоқхоналар мавжуд.*

Украинанинг икки юздан зиёд олий ўқув юртларида юзлаб касблардан бирини эгаллашингиз мумкин. Ўқиш баҳоси, касблар ҳақида ва сизни қизиқтирган бошқа саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш лозим:
**Тошкент шаҳри, Уйғур кўчаси, 314-уй**. Телефонлар: **(8-371) 242-93-73, 242-84-64, 249-69-39, (+99897) 158-85-75, 103-72-34**.

Шошилинг! Сиз шу йилнинг ўзида талаба бўлишингиз мумкин!

9268/1153

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
ИП ООО «PAKHTAKABEL ZAVODI»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ кабельно-проводниковую продукцию



- Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ
- Самонесущие провода СИП-2А
- Провода бытового назначения АПУНП, ПУНП, АППБН, АПУН
- Провода установочные АПВ, АППВ
- Провода неизолированные из алюминия марки А
- Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Специальные предложения по неизолированным проводам марок А и АС от 16 мм² до 600 мм².

E-mail: pakhtakabel@mail.ru

Адрес: 100057, г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.
Тел./факс: (+998 71) 228-07-76, 248-48-51.
Телефоны: (+998 97) 485-65-23, (+998 98) 304-00-94.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР



ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60,40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

ЎЗ СТЕНДИНГИЗГА ЭГА БЎЛИНГ!
Иштирок этиш масалалари бўйича ташкилотчилар офисига мурожаат қилинг 113 01 80



7-Ўзбек халқаро кўргазмаси ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА 7th
6-Ўзбек халқаро кўргазмаси АВТОМОБИЛЛАР, БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР, СЕРВИС УСКУНАЛАРИ 6th
2-Ўзбек халқаро кўргазмаси ЙЎЛ-ҚУРИЛИШ ВА КОММУНАЛ ТЕХНИКА 2th

UZBEKISTAN Infrastructure

16-18 НОЯБРЬ 2010
«Ўзэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон

TRANS UZBEKISTAN   Auto&Parts UZBEKISTAN   UZCOMAK

**Ташкилотчи:**
ITE UZBEKISTAN   ufi Member
Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 20
Телефон: +(998 71) 113 01 80, факс: +(998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz
www.ite-uzbekistan.uz
Guvohnoma № 3583

*Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида давлат рўйхатидан ўтган “Бил-ол” хусусий фирмасининг думалоқ шаклдаги муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*

Тошкент давлат юридик институти жамоаси давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедрасининг ўқитувчиси Баҳодир Тўраевга отаси **Разоқ ТЎРАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

***Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида XVI Осиё ўйинлари дастуридаги футбол турнирига қуръа ташланди. Унга кўра, Аҳмад Убайдуллаев бошчилигидаги Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси "Е" гуруҳида БАА, Бангладеш ва Гонконг терма жамоалари билан куч синашадиган бўлди.***

## Осиё ўйинларига қуръа ташланди

Футбол беллашувлари шу йилнинг 7 — 25 ноябрь кунлари ўтказилади. Гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган ҳамда энг яхши кўрсаткичга эга бўлган тўртта жамоа нимчорак финал йўлланмасини қўлга киритади. Ундан кейин эса жамоалар плей-офф тизимида мусобақани давом эттиришади.

**Норбек НИЁЗОВ.**

***Зарафшондаги Мурунтов қўрғони ёшлари Баркамол авлод йилида ажойиб совғага эга бўлдилар.***

## МУРУНТОВ ЁШЛАРИГА ТУҲФА

Ҳудуддаги Қизилқум геология-қидирув экспедициясига қарашли спорт зали қайта таъмирланиб, замонавий мажмуага айлантирилди. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан етмиш тўққиз миллион сўм маблағ сарфланди. Эндиликда бу ерда миллий кураш, стол тенниси, баскетбол, волейбол, мини-футбол каби ўнга яқин спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказиш учун барча шароитлар яратилди.

Кези келганда айтиш жоизки, Зарафшон азалдан номдор спортчилар шаҳри саналади. Бу ердан ўнлаб республика ва халқаро мусобақалар совриндорлари етишиб чиққан. Айниқса, оғир атлетика бўйича Пекин Олимпиадаси иштирокчиси, Осиё чемпиони Шерзод Юсупов, шу спорт туридан қитъа чемпиони, жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби Нурулла Тоғаев билан зарафшонликлар ҳақли равишда фахрланадилар. Шунингдек, Шоҳруҳ Шукуров, Зариф Расулов, Юрий Пантелеев ва Ойдин Ботирова самбо бўйича турли нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда.

Мажмуанинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар келгусида бу ердан яна кўплаб иқтидорли спортчилар етишиб чиқишига тилак билдирдилар.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРЛАРИ



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

***8-10 октябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида таэквондо "пумсе" бўйича ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида ташкил этилган V жаҳон чемпионати нафақат қизғин курашлар остида ўтганлиги, балки иштирокчилар сони кўплиги билан ҳам минглаб мухлисларга олам-олам таассуротларни туҳфа этди.***

Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF), Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида уюштирилган чемпионатда дунёнинг олтмишга яқин мамлакатидан келган тўрт юз элликдан зиёд спортчи медаллар учун кураш олиб борди.

— Мусобақа мезбонлиги учун сўнгги босқичда тўртта давлат даъвогарлик қилганди, — дейди Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF) президенти Чунг Вон Чой. — Мексикада бўлиб ўтган ижроқўм йиғилишида кўпчилик овоз билан Ўзбекистон номзоди тасдиқланди. Сабаби, мамлакатингизда бу каби йирик спорт анжуманларини юқори савияда ташкил этиш бўйича катта тажриба тўпланган. Юртингизда барча соҳада катта ўзгаришлар юз бермоқда. Тошкентга илк бор бундан уч йил муқаддам келгандим. Шу қисқа давр мобайнида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганига гувоҳ бўлдим. Жаҳон чемпионатини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар ҳам аъло даражада бўлди. Бунинг учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдираман.

Таъкидлаш лозимки, ушбу мусобақада ҳам Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари рақибларига қарши тенгма-тенг кураш олиб бориб, совриндорлар сафидан жой олишди. Терма жамоамиз вакилларидан Алла Таранова фахрийлар ўртасидаги яккалик баҳсларида кумуш медаль соҳиби бўлди. Катталар ўртасидаги жуфтликлар баҳсида иқтидорли таэквондочиларимиз Александр Ли ва Ирина Дергач терма жамоамиз захирасига иккинчи кумуш медални туҳфа этди. Александр Лим, Михаил Афиногенов ва Александр Ни жамоавий "пумсе" бўйича бронза медали билан тақдирланди.

Жаҳон чемпионатида ёш иқтидорли спортчиларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олишди. Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда ўн олти ёшли вакилимиз Зафар Сатторов учинчи ўринни эгаллади.

— Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликларини доимо ҳис қилиб турамиз, — дейди З. Сатторов — Мураббийларим билан беллашувларга қизғин ҳозирлик кўрган эдик. Қолаверса, ҳар бир спортчи ўзи туғилиб ўсган Ватанидаги нуфузли мусобақада ғолиб бўлишни орзу қилади. Бугун орзуим рўёбга ошиб, бронза медалини қўлга киритдим.

Якунда умумжамоа ҳисобида Жанубий Корея таэквондочилари биринчи ўриндан жой олишди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ШАРОИТЛАР ҲАВАСИМИЗНИ КЕЛТИРДИ»

***Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида зўр муваффақият билан ўтказилган таэквондо "пумсе" бўйича V жаҳон чемпионати барчага олам-олам завқ улашди. Ватанимизга ташриф буюриб, мана шундай юксак даражадаги спорт байрамида бевосита иштирок этган хорижий давлат вакилларининг таассуротлари билан қизиқдик.***

### Сўз — чемпионат иштирокчиларига

**Иван ДИБОС, Халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси, Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF) вице-президенти:**

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан яхши хабардорман. Мени, айниқса, мамлакатингиз жорий этган уч босқичли тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ҳамда "Универсиада" спорт ўйинлари жуда қизиқтиради. Ҳеч бир давлат тажрибасида кузатилмайдиган бундай ноёб тизимнинг амалдаги самараларини бугун ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро мусобақаларда эришаётган юксак натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Ишончим комилки, мана шундай улкан имкониятлар оғушида вояга етаётган ёшлар келажакда қайси спорт тури бўлмасин, у жаҳон чемпионати ёхуд Олимпиада ўйинлари бўладими, энг кучли рақиблар сифатида тилга олинади.

Таэквондо "пумсе" бўйича V жаҳон чемпионатини пойтахтингизда ўтказишга қарор қилингани жуда тўғри бўлган, деб ҳисоблайман. Сабаби, юртингизда ушбу спорт тури жадаллик билан ривожланиб бораётир. Биргина ўтган йили Тошкентда таэквондо спорт мажмуасининг қурилгани ҳам бу борадаги эътибор нақадар юқори эканидан далолат беради. Мажмуадаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик. У замонавийлиги билан ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Жаҳон чемпионати мезбони Ўзбекистон нафақат мусобақаларни ташкиллаштириш, балки спортчиларнинг машғулот ўтказиши, дам олишини ташкил этиш хусусида ҳам катта тайёргарлик кўрганига амин бўлдик. Бундан барча делегация иштирокчилари бирдек мамнун эканликларини билдиришди. Ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги дунё аҳлининг уларга бўлган меҳрини бундан кейин ҳам ошириб бораверади.

**Михаил БУССМАН, спортчи (Германия):**

— Тошкентда ўтказилган мазкур чемпионатни мен спортчилик фаолиятимдаги энг яхши натижаларимдан бири сифатида доимо эслаб юраман. Чунки олтин медаль эгасига айландим. Бизга бу ерда барча шароитлар яратиб берилди. Мусобақани юқори савияда уюштиргани учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Мария КРУЗ, спортчи (Мексика):**

— Гарчи ушбу чемпионатда ғолиблик насиб этмаган бўлсада, асло хафа эмасман. Аввало, шундай нуфузли мусобақада қатнашишнинг ўзи мен учун катта бахт. Бу галги чемпионатнинг Ўзбекистонда ўтказилгани айни муддао бўлди. Гап шундаки, анчадан бери юртингизга келиш орзусида эдим. Мана, ниятимга етдим. Тошкент кўчаларини айландим, жудаям чиройли. Айниқса, Мустақиллик майдони, Амир Темур хиёбони ва унга туташ биноларнинг ўзига хос меъморий ечими бизда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистондаги шароитлар ҳавасимизни келтирди. Кўрганларимни фотокамерам хотирасига муҳрладим. Чунки Ўзбекистонни, унинг меҳридарё одамларини соғинганимда, ана шу суратларни томоша қиламан.

**Вера МОНЗ, мураббий (Бельгия):**

— Ўзбекистонда ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, бунда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани ҳақида кўп эшитганман. "Ўзбекистон" спорт мажмуасидаги шарт-шароитлар ва имкониятларни кўриб, бунга амин бўлдим. Бундай мажмуалар республиканинг олис ҳудудларида ҳам тобора кўпайиб бораётгани маълум. Уларда маҳоратини оширган таэквондочилар мана шундай нуфузли чемпионатларда муваффақиятли қатнашишаяпти.

Бизга кўрсатилган эътибор учун халқингизга чин дилдан раҳмат айтамиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Шавкат ОРТИҚОВ**
**ёзиб олди.**

***Китоб туманидаги 16-мактабда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлимининг 204 миллион сўм маблағи эвазига муҳташам спорт зали қуриб битказилди.***

## Ўқувчиларга қулайлик

Абдумажид Ғаффоров раҳбарлигидаги "225-ХМКК" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилган мазкур иншоот турли спорт жиҳозлари билан таъминланди. Натижада ўқувчи-ёшлар бу ерда спортнинг бир неча турлари билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлишди.

**Фахриддин БОЗОРОВ.**


ГРУППА ГАЗ

АВТОМОБИЛИ
«ГАЗЕЛЬ БИЗНЕС»
ОТ ОФИЦИАЛЬНОГО ДИЛЕРА «SARDOR AVTO INVEST»



ГАЗ-32213 «Газель Бизнес»
Микроавтобус до 15 мест,
люкс, ЕВРО-3.
Привод: 4х2, 4х4.
Новинка!



ГАЗ-2705 «Газель Бизнес»
Фургон цельнометаллический,
3 -, 7-местный, люкс, ЕВРО-3.
Привод: 4х2, 4х4.
Новинка!



ГАЗ-3302 «Газель Бизнес»
бортовая с тентом,
3 -, 6-местная, люкс, ЕВРО-3.
Привод: 4х2, 4х4.
Новинка!



ГАЗ-330200 «Газель Бизнес»
Фургон промтоварный,
продовольственный
изотермический,
3-местный, люкс, ЕВРО-3.
Новинка!

АВТОСАЛОН «ГАЗ»
г.Ташкент, Сергелийский р-н., ул. Новосергелийская,1.
Тел./факс.: (371) 215-09-11, 215-01-81.
веб. сайт: WWW.SARDOR-AVTO.UZ
860Я/1080 ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН


## ОБ-ҲАВО



(12 октябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси 8-13 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 9-14 даража илиқ, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 9-14 даража илиқ, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 6-11 даража илиқ, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 9-14 даража илиқ, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 11-13, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


ХАРИДОРЛАР ВА ТАЪМИНОТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

UZBEKNEFTEGAZ
Shurtan GAS CHEMICAL COMPLEX



ШЎРТАН
ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни таклиф этади:

- экологик хавфсиз, диаметри 25 мм.дан 630 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларни боғловчи деталлар;
- турли рангдаги, қурилишда безак ишлари учун фойдаланиладиган алюмин композит панеллари;
- деҳқончилик билан шуғулланувчи фермерлар учун томчилатиб суғориш тизимининг бутловчи қисмлари.



Тўлов шакли — турлича.

Манзилимиз: 181300, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.
Мурожаат учун телефонлар: (8-375) 221-02-27, 221-09-04, (+998 98) 777-01-40.
Факс: (8-375) 780-85-51, 221-08-46.
E-mail: marketing9@sgcc.uz, sgcc@sgcc.uz
878Я/1097



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 39240 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.20
1 2 3 4 5